

2/2023,  
Mart-aprel  
(№ 00064)



## ЎЗБЕКИСТОН ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ КУЧЛИ ВА ЗАИФ ЖИҲАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Вафоева Дилафруз Икромовна**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти.  
Тошкент, Ўзбекистон. [d.vafoyeva@tsue.uz](mailto:d.vafoyeva@tsue.uz)*

**ORCID:** 0000-0003-3369-3213

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i14](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i14)

### **Аннотация**

Таҳлил корхона учун тегишли бўлган микро ва макро муҳитнинг барча рақобат омилларини ўз ичига олиши керак. Фарқлар корхоналарнинг кучли ва заиф томонларини ўрганишда аниқ бўлиши мумкин. Корхоналарга рақобатчилардан устунлик берувчи хусусиятлар ёки омиллар, бозордаги бошқаларга нисбатан устунликларни тушинишга ёрдам беради. Мақолада корхона ресурсларини режалаштириш тизимларини амалга ошириш учун ташкилотга боғлиқ бўлган куч омиллари, бозорда рақобатбардош устунликни келтириб чиқарадиган хусусиятлар, рақобатчилар томонидан фирмага қарши фойдаланилганда зарарли бўлиши мумкин бўлган хусусиятлар, омиллар ёки ташкилотнинг ички муҳитига нисбатан камчиликлар ўрганилади.

**Калит сўзлар:** Тикув-трикотаж, кластер, стратегия, бозор, махсулот, инвестиция, рақобат.

### **АНАЛИЗ СИЛЬНЫХ И СЛАБЫХ СТОРОН ШВЕЙНО-ТРИКОТАЖНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ УЗБЕКИСТАНА**

**Вафоева Дилафруз Икромовна**

*Докторант (PhD) Ташкентского государственного экономического университета.  
Ташкент, Узбекистан.*

### **Аннотация**

Анализ должен включать все конкурентные факторы микро- и макро среды, актуальные для предприятия. Различия могут быть очевидны при изучении сильных и слабых сторон бизнеса. Характеристики или факторы, дающие предприятиям преимущество перед конкурентами, помогают им понять свои преимущества перед другими на рынке. В статье рассматриваются факторы силы, которые зависят от организации по внедрению систем планирования ресурсов предприятия, характеристики, создающие конкурентное преимущество на рынке, характеристики, которые могут нанести вред при использовании против фирмы конкурентами, факторы или слабые стороны в системе планирования ресурсов предприятия.

**Ключевые слова:** Шитье-вязание, кластер, стратегия, рынок, продукт, инвестиции, конкуренция.

### **ANALYSIS OF STRENGTHS AND WEAKNESSES OF SEWING AND KNITTING ENTERPRISES OF UZBEKISTAN**

**Vafoeva Dilafruz Ikromovna**

*PhD student of Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.*

## **Abstract**

The analysis should include all competitive factors of the micro and macro environment relevant to the enterprise. Differences can be evident when examining the strengths and weaknesses of businesses. The characteristics or factors that give businesses an advantage over their competitors help them understand their advantages over others in the market. The article examines the power factors that depend on the organization for the implementation of enterprise resource planning systems, the characteristics that create a competitive advantage in the market, the characteristics that can be harmful when used by competitors against the firm, factors or weaknesses in the internal environment of the organization.

**Key words:** Sewing-knitting, cluster, strategy, market, product, investment, competition.

## **Кириш**

Пахта кийим-кечак ва турли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун дунёдаги энг машҳур тола ҳисобланади. Одамлар пахта толасидан тикилган кийим кийишни яхши кўрадилар. Бу пахта бизнеси жаҳон иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Дунё миқёсида йилига 27 миллион тонна пахта етиштирилади. 2028 йилга бориб пахта етиштириш 29 миллион тоннага етиши кутилмоқда. Хитой энг йирик пахта ишлаб чиқарувчиси, аммо барибир улар энг йирик пахта импортчисидир. Бангладеш пахтанинг озгина қисмини маҳаллий ишлаб чиқаради ва деярли 99% турли минтақалардан импорт қилади.

Энг кенг тарқалган тўртта пахта тури - Госсйпиум ҳирсутум, Госсйпиум бабаденсе, Госсйпиум арборетум ва Госсйпиум ҳербасеум. Пахтадан деним, трикотаж, кордурой ва террик мато каби севимли матолар тайёрланади [1].

2022 йилнинг январ-декабрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш улуши 13,7 фоизни ташкил этди, жисмоний ҳажм индекси 9,8 фоизга ўсди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 62,75 триллион сўмни ташкил этди. 2021-йилнинг январ-декабрь ойлари якунларига кўра, ишлаб чиқариш саноати таркибида тўқимачилик маҳсулотларининг улуши 13,8 фоизни, жисмоний ҳажм индекси эса 2020-йилнинг шу даврига нисбатан 19,5 фоизни ташкил этган.

Агар 2022-йилнинг январ-декабрь ойларида ишлаб чиқариш саноати таркибида кийим-кечак ишлаб чиқаришнинг улуши 3,8 фоизни, ишлаб чиқариш ҳажми индекси эса 5,5 фоизни ташкил этган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17,21 триллион сўмга етган бўлса, 2021-йилнинг январ-декабрь ойларида мазкур тармоқнинг улуши ишлаб чиқариш саноати таркибида 3,6 фоизни, жисмоний ҳажм индекси эса 18,7 фоизни ташкил этган [2].

Пахтамизга бойкот бекор қилинганидан сўнг, хорижий компаниялар маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик қилишга, миллий маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирмоқда. Агар, ҳудудларимизга брендлар олиб кирилмаса, маҳаллий маҳсулотларимиз жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши қийин, – деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тўқимачилик маҳсулотларини экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган ведиоселектордаги маърузасида [3]. Дарҳақиқат пахта хом ашёсидан байкотнинг олиб ташланиши, тўқимачилик соҳасида кластерлашган корхоналарнинг йилдан йилга сони ошаётганлиги, экспортга тайёр маҳсулотларнинг чиқарилиши ва хориж мамлакатлари бозорларини эгаллаши, миллий маҳсулотларимизнинг қай даражада салмоғи ошаётганлигини кўришимиз мумкин.

### **Адабиётлар таҳлили**

Н.Юлдошев, Д.Собиржонова, Ш.Тўлаганова куч-шундай хусусиятки, компанияга қўшимча имкониятлар беради. Бу куч маҳоратда, сезиларли тажрибада, қимматли ташкилий ресурсларда ёки аниқ имкониятларда фирмага бозорда устунлик яратиб берувчи ютуқларда бўлиши мумкин. Заифлик-компания фаолияти учун зарур бўлган ниманингдир этишмаслиги, компания қила олмайдиган қандайдир иш ёки уни ноқулай вазиятга солиб қуядиган шароит, деб айтиб ўтишган [4].

Кичик ва ўрта корхоналар молиявий имкониятларнинг чекланганлиги, малакали одамларнинг этишмаслиги ва истеъмолчиларнинг хабардорлиги йўқлиги сабабли заифлиги билдириди ва бу глобал бозорда омон қолиш учун курашишни келтириб чиқаради. Шунинг учун улар амал қилаётган аънавий технологияларнинг кўпчилиги барқарор эмас. Бундан ташқари, малакали одамларнинг этишмаслиги уларнинг барқарорлик концепциясини ишлаб чиқишни қийинлаштиради [5].

Тўқимачилик саноати корхоналари ресурсларини режалаштириш тизими ечимлари нотўғри танланган бўлса, хавф туғдириши мумкин. Танлов фақат тақдимотлар ва намойишларга асосланмаслиги керак: муваффақиятга эришиш учун кучли томонлар, камчиликлари, имкониятлар ва таҳдидлар, айтиб ўтилган барча омилларни яхшилаб ҳисобга олиш керак [6].

Жуда муҳим омиллардан бири бу тўқимачилик саноати қанчалик инновацион эканлиги, унга хизмат кўрсатувчи тадқиқот ҳамжамияти ва келажакда у қанчалик инновацион бўлишидир. Бу корхонанинг келажакда кучли қилишга ва таҳдидларни ҳис қилганда тезкор жавоб қайтариш имкони беради [7].

Бозордаги вазият тез-тез ўзгариб туради, чунки бозорда ишлаётган компаниялар бозорга кириб келётган янги фирмаларни ўз сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилади. Бозорда энг кўп таъсир қиладиган кучлар рақобатни ҳаракатлантирувчи кучлар деб аталади. Бу кучларни таҳлил қилиш 2 босқичдан иборат: биринчидан ҳаракатлантирувчи кучларни аниқлаш, иккинчидан ушбу кучлар таъсирини аниқлаш [8].

### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада мамлакатимизда фаолият юритаётган тўқимачилик тармоғида олиб борилаётган ислохотлар қиёсий солиштириш, иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ўрганиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш ва маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез усулларида фойдаланилган.

Тўқимачилик ва тикувчилик савдо шакллари ўхшаш бўлсада тўқимачилик капитални кўп талаб қилади, тикувчилик эса кўп меҳнат талаб қиладиган, фаолият тури ҳисобланади ва одатда арзон ишчи кучига таянади. Кўпгина мамлакатларда аҳоли сонининг ўсиши ва кўплаб ривожланаётган мамлакатларда истеъмол харажатларининг ўсиши билан тўқимачиликда: кийим-кечак, уй тўқимачилик ва билвосита техник тўқимачиликда кенг ўсиш салоҳияти мавжуд бўлиб бормоқда. Ўтмишда тикувчилик ва тўқимачилик саноатини саноатлаштириш савдо режимидан келиб чиқадиган бузилишларга қарамай, кўплаб мамлакатлар учун муҳим ривожланиш йўли бўлиб келган, чунки капитал талаблари ва техник ноу-хау каби кириш тўсиқлари нисбатан паст эди.

Мақолада корхонанинг имкониятлар ва хавф-хатарларга эга бўлган 1-жадвалда келтирилган потенциалига асосланиб, келажакдаги ўзгаришларга эътибор қаратилади.

## Маҳсулот ва бозорни ривожлантиришга ёндошувлар

1-жадвал

Пассив ёндашув	Актив ёндашув
• Рақобат босими	• Фойда афзаллиги
• Ортиқча ишлаб чиқариш	• Ноёб маҳсулотлар
• Ички савдо ҳажмининг пасайиши	• Технологик афзаллик
• Ҳаддан ташқари қувват	• Эксклюзив маълумот
• тўйинган ички бозор	• Бошқарув истаги
• Мижозларга/портларга яқинлик	• Солиқ имтиёзлари
• Кераксиз сўровлар	• Масштаб иқтисодиёти

*Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.*

Тикув-трикотаж корхоналарининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш мақсадида корхоналар танлаб олинди. Объекти қилиб қабул қилинган корхоналарни баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилади. Баҳолаш бўйича ахборот манбаъларини ишлаб чиқиш учун сўровнома шакллантирилади. Тўқимачилик корхоналари фаолиятига энг кўп таъсир кўрсатадиган турли омилларни тўлароқ ҳисобга олиш мақсадида қўшимча усуллардан фойдаланилади.

### Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 ноябрь 2021 йил ПФ-14 сонли “Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони[9], Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 21 январь 2022 йилдаги ПФ-53-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони[10] ва унда белгиланган чора тадбирлар соҳа ривожини учун ҳизмат қилади.

Тўқимачилик саноатининг республика ялпи ички маҳсулотидеги улуши 4,8 %ни ташкил этиб, саноат маҳсулотининг 25 %, ишлаб чиқариш асосий фондларининг 13 %и ушбу тармоққа тўғри келади. Шу билан бирга, унда республика саноат ходимларининг 32 %и меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибида 410 та тўқимачилик корхоналари, 10 та машинасозлик корхоналари, 1330 та тикувчилик-трикотаж корхоналари, шунингдек 134 та пахта-тўқимачилик кластерлари, «Шарқ либослари» дизайн маркази, Реклама ва маркетинг агентлиги, «Ўзтўқимачиликэкспорт» ташқи савдо компанияси, пахта толаси сотувини амалга ошириш бўйича «Тўқимачиликброк» компанияси, шунингдек тўқимачилик корхоналарини лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи «Енгилсаноатқурилиш» компаниялари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг барча тармоқларини ривожлантириш ва таъминлаш учун бой хом ашё базасига (пахта, жун, қоракўл, нефть, газ ва ҳоказо), бундан ташқари иқтисоднинг тез суръатларда ривожлантириш учун етарли даражадаги шарт-шароитларга (табiiй-климатик, территориал ва меҳнат ресурслари) ҳам эгадир. Республикамиз тўқимачилик саноати юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Агар 1991 йил Республикамизда етиштирилган пахта толасининг 7 %и қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда тўқимачилик саноати корхоналари томонидан 100 % пахта хом ашёси қайта ишланмоқда. Тармоқни 2019-2030 йилларда

ривожлантиришнинг стратегиясида 2025 йилга бориб, республикада етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 100 %ини республикада қайта ишлаб чиқариш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини эса 4,3 марта оширишнинг устувор йўллари белгиланган.

Тўқимачилик саноати республика иқтисодиётида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллаб турибди, у бозорнинг энг муҳим элементи бўлган халқ эҳтиёжи моллари (тикувчилик маҳсулотлари, мато ва газлама ва трикотаж маҳсулотлари) ишлаб чиқарувчи асосий тармоқлардан ҳисобланади.

Уюшма корхоналарида импортни ўрнини босадиган маҳсулот турларидан 250 дан ортиғини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. 2021 йили 2018 йилга нисбатан Республика ҳудудида четдан келтириладиган маҳсулотлар ҳажми 93 %га қисқарди. Шу жумладан, фақат трикотаж маҳсулотларидан 300 га яқин турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аҳолининг тайёр маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжини қондириш мақсадида 1300 тадан ортиқ кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг ҳар бирида кичик партияларда, ўртача 1350,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Импортнинг ўрнини босувчи хом ашё, материаллар ва истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига 89,4 млн. АҚШ доллари миқдоридан импортни қисқартиришга эришилди.

## 2-жадвал

### «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида 2017-2020 йилларда асосий ассортиментлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси

Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирл.	2017	2018	2019	2020	2021	Прогноз	
								2025	2030
	Тўқимачилик ва трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари	Млн. долл.	3565,1	4621,8	6411,2	8388,1	11109,1	15493,4	20819,5
1.	Пахта калава ипи	Минг тн.	392,4	442,9	608,2	754,3	835,0	940,0	950,0
	Шу жумладан, бўялган, аралаш, бамбук, акрил толали калава ипи	Минг тн.	39,9	132,8	182,5	226,3	305,1	425,0	530,0
2.	Тайёр газлама	Млн. кв.м	370,5	462,8	625,0	812,5	1056,0	1425,9	2138,8
3.	Трикотаж матоси	Минг тн.	71,9	89,9	142,3	227,4	300,2	406,8	525,0
4.	Тикувчилик трикотаж буюмлари	Млн. дона	342,2	416,0	559,8	712,2	1011,3	1516,9	2154,1
5.	Пайпоқ маҳсулотлари	Млн. жуфт	72,9	98,4	162,9	229,9	309,3	429,0	551,2

Манба: «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвал маълумотлари таҳлилига кўра, 2021 йил 2017 йилга нисбатан калава ип ишлаб чиқариш ҳажми 442,6 минг тоннага (2,1 марта), тайёр газлама ишлаб чиқариш ҳажми 685,5 млн. кв. метрга (2,9 марта), трикотаж матосини ишлаб чиқариш 228,3 минг тоннага (4,2 марта), тикувчилик- трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш 669,1 млн. донага (3 марта), пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 236,4 млн. жуфтга (4,2 марта) ортди.

Тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётида асосий ўрин тутди. Бу тармоқ саноат ишлаб чиқаришини барқарорлаштиришда етакчи ҳисобланади, чунки унда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади, шунингдек кўп сонли кишилар иш ўринлари билан таъминланади.

Тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётида асосий ўрин тутди. Бу тармоқ саноат ишлаб чиқаришини барқарорлаштиришда етакчи звено ҳисобланади, чунки унда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади, шунингдек кўп сонли кишилар иш ўринлари билан таъминланади.

Ўзбекистон тикув-трикотаж корхоналарининг ривожланиш истиқболларини баҳолашда ички муҳитни таҳлил қилиш орқали уларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш асосий шартлардан ҳисобланади.

Бозордаги рақобат ҳолатини баҳолаш, корхонанинг устунликлари ва камчиликлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Таҳлил натижалари корхонанинг ривожланиш йўналишларини танлаш, унинг кучли томонларидан фойдаланиш, заиф томонларини ҳисобга олиш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек бозор томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиш ва турли ҳавф, таҳдидларни четлаб ўтишга ёрдам беради. Шундай таҳлилга асосланиб, бозордаги корхона тўғрисида маълумотларни бир тизимга солиш, эътиборни янги истиқболларга қаратиш мумкин. Шунингдек олишимиз зарурки, бозорнинг битта имконияти ёки таҳдиди омили турли корхоналар учун турлича баҳоланиши мумкин. Баъзи корхоналар учун имконият бўлса, бошқа корхоналар учун таҳдид бўлиши мумкин.

Тикув-трикотаж корхоналарининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш мақсадида учта корхона танлаб олинди. Обьекти қилиб қабул қилинган корхоналарни баҳолаш кўрсаткичлари асосида сўровнома жадвали ишлаб чиқилди, ҳамда тўқимачилик корхоналари фаолиятига энг кўп таъсир кўрсатадиган турли омилларни тўлароқ ҳисобга олишга имкон берадиган қулай услубдан фойдаланилди.

Омилларнинг аҳамиятлилик коэффициенти биз томонимиздан қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$K_{ij} = \frac{\sum_{i=1}^n x_i}{\sum_{j=1}^n x_j},$$


Бу ерда  $K_{ij}$  - аҳамиятлилик коэффициенти;

$x_i$  - экспертлар томонидан кўрсатилган параметрларни тавсифловчи омиллар сони;

$x_j$  - параметрларни тавсифловчи омилларнинг умумий сони.

Аҳамиятлилик кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, мазкур параметр корхона учун шунчалик кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.


Сўровнома натижалари бўйича “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасига аъзо учта трикотаж-тикувчилик корхоналари, жумладан “BEST COLOR TEXTILE” МЧЖ, “BETLIS TEXTILE” МЧЖ ва “FULL COTON” МЧЖ корхоналарининг кучли ва заиф томонлари аниқланди. Ҳар бир параметр бўйича корхоналарнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаш учун 1, 2 ва 3 – расмлар тузилган.



**1-расм. “BEST COLOR TEXTILE” МЧЖ корхонасининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш**


Манба: Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Тадқиқот натижаларига кўра, “BEST COLOR TEXTILE” МЧЖ корхонасининг кучли томонлари бўлиб, ишлаб чиқариш параметри (0,71 коэффицент) ҳисобланади. Энг кучсиз томони бўлиб эса илмий тадқиқот ишлари учун ҳаражатларнинг юқорилиги ва уларни оқланиш муддатининг узоқ бўлиши параметри (0,5 коэффицент) ҳисобланади.



**2-расм. “BETLIS TEXTILE” МЧЖ корхонасининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш**  
 Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

“BETLIS TEXTILE” МЧЖ корхонасининг кучли томони корхонада ходимларнинг корхонани ривожлантиришдан манфаатдорлиги, бўлимлар ўртасидаги алоқанинг юқори даражада ўрнатилиши, ташқи муҳит ўзгаришлари ва ностандарт ҳолатларга тез мослашиши (0,83 коэффицент) бўлса, заиф томони нарх сиёсати ва товарни бозорга ҳаракатлантириш сиёсатининг йўқлиги (0,85 коэффицент) ҳисобланади.



**3-расм. “FULL COTON” МЧЖ корхонасининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш**  
 Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

“FULL COTON” МЧЖ трикотаж корхонасининг кучли томони дастгоҳларнинг яхши ҳолатда эканлиги, ишлаб чиқарилаётган товар сифатининг юқори даражаси, ресурсларни етказиб берувчи ишончли каналларнинг мавжудлиги (0,71 коэффицент) бўлса, заиф томони товар маркасининг нуфузи, нарх сиёсати ва товарни бозорга ҳаракатлантириш сиёсатининг яхши йўлга қўйилмаганлигидир.

Шундай қилиб, “BEST COLOR TEXTILE” МЧЖ, корхонаси ўзининг ривожланишида яхши ишлаб чиқариш базасига ва ишончли молиявий ҳолатга асосланса бўлади. “BETLIS TEXTILE” МЧЖ корхонаси эса ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишга ва замонавий ишлаб чиқаришга асосланиши лозим. “FULL COTON” МЧЖ корхонаси эса маҳсулот ассортиментни ва сифатини яхшилаш, янги техника ва технологияни жорий этиш йўналишида ўз ривожланиш стратегиясини амалга ошириши мақсадга мувофиқ. “BEST COLOR TEXTILE” МЧЖ корхонаси ва “BETLIS TEXTILE” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омил маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Биринчи корхонанинг заиф томони унинг инновацияларни жорий этишдаги сустлиги бўлса, иккинчи корхона учун бозордаги ҳолатининг ишончли эмаслиги ҳисобланади.

Юқоридаги барча билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, Республика тикув-трикотаж тармоғидаги мавжуд камчилик ва устунликларини умумлаштирган ҳолда кучли томонлар, заиф томонлари, таҳлили амалга оширилди ва имкониятлар, бўладиган таҳдидлар ўрганилди (3-жадвал). Таҳлилининг кўрсатишича, салбий омилларнинг миқдори катта бўлишига қарамасдан, мамлакат тўқимачилик саноатида барқарор ривожланиш учун юқори салоҳият мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

**3-жадвал**

**Тикув-трикотаж корхоналарининг кучли ва заиф жиҳатлари таҳлили.**

<b>Баҳолаш меъзонлари</b>	<b>Хусусиятлари</b>
<b>Кучли томонлар</b>	Катта бозор улушига эга бўлиш
	Давлатнинг назорати остида
	Нисбатан юқори бўлмаган қиймат
	Хизмат кўрсатиш ва фойдаланишдаги арзон гаровлик
	Миллий агроиқлимий шарт-шароитларга мувофиқлик; Стандартлаштириш ва техник тартибга солиш миллий тизими талабларига мувофиқ келиши.
<b>Заиф томонлари</b>	Ассортиментнинг торлиги, йиғиш сифатининг пастлиги;
	Хом-ашё ва материаллар тўлақонли фойдаланмаслик;
	Ички бозорда миллий маҳсулотларнинг истеъмолчилар томонидан билиш даражасининг пастлиги;
	Сервис ва техник хизмат кўрсатишнинг кучсиз ривожланган тармоғи;
	Меҳнат унумдорлигининг пастлиги;
	Нарх ва сифатнинг мос келмаслиги;
	Энергия тежаш тизимларидан фойдаланмаслик;
	Ёш мутахассисларнинг малака даражасининг пастлиги ва инновациялар яратишга ҳаракат қилмасликлари;
	Товарларнинг ҳаракат механизмларини амалиётда сустлиги (маркетинг механизмлари);
	Товар нафлигини унинг қийматидан пастлиги қиммати;
	Инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш даражасининг пастлиги;
	Тузилма ва бўлимларнинг ўзаро фаолиятини самарасизлиги;
	Ассортиментнинг торлиги, йиғиш сифатининг пастлиги;
	Хом-ашё ва материаллар тўлақонли фойдаланмаслик;
	Ички бозорда миллий маҳсулотларнинг истеъмолчилар томонидан билиш даражасининг пастлиги;
Сервис ва техник хизмат кўрсатишнинг кучсиз ривожланган тармоғи;	
Меҳнат унумдорлигининг пастлиги;	
Нарх ва сифатнинг мос келмаслиги	

<b>Баҳолаш меъзонлари</b>	<b>Хусусиятлари</b>
<b>Имкониятлар</b>	Энергия тежаш тизимларидан фойдаланмаслик;
	Давлат томонидан қўллаб-қувватланиш;
	Республика бозорида олигаполия;
	Бозор нархнинг ўзгариш даражасига ўтиш;
	Экспорт ривожланиши салоҳияти;
	Ташқи бозорга чиқишдаги қўллаб-қувватлаш;
	Мамлакатимизда хорижий инвесторларга берилган имкониятлар;
	Пул обороти ҳажмининг ошиши (тикув-трикотаж маҳсулотлари савдоси фаоллашувига олиб келади);
	Реклама компанияларининг фаоллашуви;
	Рақобатчиларни кучсизлантириш;
	Ишлаб чиқаришнинг янги технологиялардан фойдаланиш
	Давлат томонидан қўллаб-қувватланиш;
	Республика бозорида олигаполия;
Бозор нархнинг ўзгариш даражасига ўтиш;	
<b>Таҳдидлар</b>	Импорт улуши;
	Давлат қўллаб-қувватлашининг қисқариши;
	Республика тўқимачилик маҳсулотларига истеъмолчи бўлган мамлакатларда протекционизм сиёсатининг юритилиши, олиб кирилган маҳсулотга божхона тўловларининг оширилиши;
	Рақобатчиларнинг бозорларига кириш. Мамлакатда хориж ишлаб чиқарувчиларининг йиғиш корхоналарининг ривожланиши;
	Сифатсиз маҳсулотларни етказиб бериш rischi;

*Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.*

Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг кучли ва заиф жиҳатларини ўрганиш ва бу орқали рақобатга бардош бера оладиган корхоналарнинг ортиши нафақат тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаровонлигини оширишга балки, биринчи навбатда, миллий иқтисодиётда кийим-кечак сифати ва хавфсизлигини таъминлашга ҳам боғлиқ саналади.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Ўтказилган таҳлил натижаларига асосланиб, корхоналар салоҳиятининг рақобатбардошлигига нисбатан хулосалар қилишимиз мумкин. Экспертлар томонидан максимал даражада юқори баҳоланган устунлик омиллари бизнеснинг мустаҳкам асосини яратади, улар ҳисобига рақобатчилар корхона синдира олмайдилар. Нисбатан пастроқ баҳоланган устунлик омиллари эса мазкур омилларни кучайтиришга йўналтирилган фаолият ҳисобига рақобатбардошликни ошириш ички имкониятлари ҳисобланади. Бунда берилган баҳо қанчалик паст бўлса, рақобатбардошликни ошириш ички имониятлари шунчалик юқори бўлади.

Экспертлар томонидан нисбатан юқори баҳоланган камчиликлар омиллари рақобатбардошликнинг пасайишига энг кучли таъсир кўрсатади. Уларга нисбатан биринчи навбатда, рақобатбардошликка салбий таъсирини камайитиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Камчиликларнинг нисбатан пастроқ баҳо олган омиллари рақобатбардошликка унчалик юқори даражада салбий таъсир

кўрсатмайди, аммо мазкур йўналишда ҳам рақобатбардошликни ошириш ички имкониятлари мавжуд.

Максимал бўлиши мумкин бўлган таҳдидлар экспертларнинг энг юқори баҳосини, минималлари эса энг паст баҳо олдилар. Корхонанинг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда корхона менежментининг вазифаси - имкониятлардан фойдаланиш ва таҳдидлардан қочишдир.

Бизнинг фикримизча, тикув-трикотаж корхоналарини таҳлил қилишда бир нечта муаммоларга қуйидагича таклиф билдириш мумкин.

- Узоқ муддатли йўналтирилган бошқарув;
- Маҳсулот тарқатиш каналларида яхши иш муносабатлари;
- Энг паст ишлаб чиқариш харажатлари;
- Тегишли ташкилий тузилма;
- Таниқли бренд номлари;
- Тегишли обрў (сифат, брендлар, хизматлар);
- Мижозларга кучли йўналтирилганлик;
- Ваколатли илмий-тадқиқот бўлими;
- Ҳаётий даврларни ақлли башорат қилиш .

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <https://uzts.uz/en/global-cotton-production-import-and-export-analysis-in-2021-22-crop-year/>
2. <https://www.uzdaily.uz/en/post/78750>
3. “Халқ сўзи ” газетаси 28 июнь 2022 йил.
4. Юлдошев Н.,Собиржонова Д.,Тўлаганова Ш.,Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008,151 бет.
5. Sustainability in fashion and textiles: A survey from developing country 1 Rajkishore Nayak a , Tarun Panwar b , Long Van Thang Nguyen a a School of Communication and Design, RMIT University Vietnam, Ho Chi Minh City, Vietnam; b School of Fashion and Textiles, RMIT University, Melbourne, VIC, Australia
6. Enterprise resource planning systems for use in apparel supply chains. Brahmadeep, S. Thomasse University Lille Nord of France, ENSAIT-GEMTEX, 2 allée Louise et Victor Champier, Roubaix, France.
7. Introduction: trends in the global textile industry. R. Shishoo, Shishoo Consulting AB, Sweden. © Woodhead Publishing Limited, 2012
8. Йулдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик.-Т.: «IQTISODIYOT», 2019.-122 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 ноябрь 2021 йил ПФ-14 сонли “Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5731033>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.2022 йилдаги ПФ-53-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. <https://lex.uz/docs/5833998>